

«IMKON FINANS mikrokredit» АЖ

Кенгаш қарори билан тасдикланган

№\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.2022 йил

«IMKON FINANS mikrokredit tashkiloti»  
акциядорлик жамиятининг  
КОРПОРАТИВ ЭТИКА КОДЕКСИ

Андижон 2022

## **1.Умумий қоидалар**

### **2.Кодексни кўллаш доираси**

### **3.МКТ миссияси ва қадриятлари**

### **4.Ташқи ўзаро муносабатлар**

### **5. Ички ўзаро муносабатлар**

### **6.Одоб – ахлоқ тамойиллари**

### **7.Ахборотдан фойдаланиш**

### **8.Кодексга риоя этилишни назорат қилиш тизими**

### **9.Якуний қоидалар**

## **1.Умумий қоидалар**

1.1. Корпоратив Этика Кодекси – бу МКТ миссияси, корпоратив қадриятлари, шунингдек умумэтироф этилган халқаро ахлоқ қоидалари ва хуқуқ меъёрлари хамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланган кредит ташкиллотида ўзини тутиш ва бизнесини юритишнинг энг мухим қонун – қоидалари мажмуаси.

1.2. Корпоратив Этика Кодекси мақсади (кейинги ўринларда – Кодекс) «IMKON FINANS mikrokredit tashkiloti» АЖ (кейинги ўринларда – МКТ) фаолиятининг стандартлари ва тамойилларини хамда ходимларнинг хизмат кўрсатиш сифати, МКТ самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини оширишга йўналтирилган этикаси (одоб - ахлоқ, феъл – автори, хатти харакатлари)ни белгилашдан иборат.

1.3. Мазкур Кодекснинг вазифалари қуйидагилардан иборат;

- Мехнат жамоасида МКТ фаолиятининг барча иштирокчилари – мижозлар, акциядорлар, хамкорлар, МКТлар, инвесторлар, рақобатчилар, давлат идоралари ва жамият билан ўзаро муносабатларга киришишга оид талабларни ўрнатиш;
- Ходимларнинг қонун – қоида чегарасидан чиқмаслигини таъминлаш ва улар томонидан фаолиятнинг барча иштирокчилари олдида ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун шахсий масъулиятни хис этиши, МКТ миссиясини амалга оширишда ўз ўрнини англаши;

- Мижозлар, акциядорлар, хамкорлар ва МКТ ходимлари манфаатларини химоя қилиш.
- 1.4. МКТнинг барча хужжатлари, шу жумладан, мижозлар, хамкорлар, хокимият идоралари, рақобатчилар ва МКТ ходимлари билан муносабатларни расмийлаштирадиган хужжатлар мазкур Кодекснинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.
- 1.5. Мазкур кодекс хар кунлик иш амалиётини тартибга солувчи, хамма учун мажбурий бўлган ахлоқ қоидаларини ўз ичига олади ва лавозимидан қатъий назар, барча ходимларга, шунингдек, Кенгаш аъзоларига хам таалуқли (кейинги ўринларда – МКТ ходими).
- 1.6. МКТ кенг кўламдаги филиаллар тармоғига, шўъба корхоналарига ва ўз вакалатхоналарига эга. МКТ ва унинг тузилмаларини МКТнинг миссияси ва корпоратив қадриятлари ўзаро бирлаштириб туради. МКТ, унинг филиаллари ва бўлимлари, шунингдек, шўъба ва бошқа тузилмалари ходимлари МКТ имижини сақлаб туришга масъул ҳисобланадилар.
- 1.7. МКТнинг шўъба ва бошқа тузилмалари мазкур Кодекс ва мамлакат қонунчилиги асосида ўз этика кодексларини ишлаб чиқади.
- 1.8. МКТ ўз хамкорлари, банклар, мижозлари ва фаолиятнинг бошка иштирокчилари МКТ томонидан қабул қилинган этика стандартларига амал қилиш тажрибасини маъқуллайди.

## **2.Кодексни қўллаш доираси.**

### **2.1 Кодекс учун МКТ масъуллари рўйхати**

- **МКТнинг ички назорат хизмати**
- **Ходимларни бошқариш департаменти**
- **Филиаллар корпоратив этика комиссияси**
- **Бош МКТ корпоратив этика комиссияси**
- **МКТ бошқаруви**
- **МКТ кенгаши**

2.2. МКТ хар бир ходимнинг юқори ахлоқли ва маданиятли бўлишига ва уларнинг муайян вазиятини ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда, фақатгина чуқур англаб етган қарорлар қабул қилишига ишонади.

2.3. МКТнинг барча ходимлари МКТ фаолиятига оид муаммоларни, Кодексга амал қилмаслик ёки қонун бузилишлар, сунистеъмолчилик холатларни раҳбариятга етказиш заруриятини хис этишлари шарт.

2.4. Агар ходимда Кодекс қоидаларини жиддий бузилиш холатлари, МКТ учун йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган таваккалчиликнинг мавжудлиги маълум бўлиб қолса, у зудлик билан бу хақида бевосита раҳбарга ва МКТнинг ички назорат хизматига хабар бериши лозим.

2.5. Тартиб-қоида бузилишлари хақидаги барча хабарлар маҳфий бўлиб хисобланади. Ходимлар ушбу холатлар хақида шахсини ошкор этмаган ҳолда хабар етказишга хақлидир.

2.6. МКТ ходимлари ўзига маълум бўлиб қолган тартиб-интизом бузилишлари хақида вижданан ва хаққоний хабар берган холларда, уларга хеч қандай зарар етмаслигини кафолатлайди. Бундай хабарлар исталган кўринишида жумладан, шахси ошкор этилмаган ёзма хисбот шаклида хам жўнатилиши мумкин.

2.7. Қуйидаги холларда ходим ёрдам сўраб мурожаат қилиши лозим бўлади. Агар:

- Юзага келган вазиятда қандай харакат қилишни мустақил равища белгилай олмаса;
- Тегишли конунлар ёки касбий амалиёт қоидаларига унга мураккаб бўлиб тувласа;
- Бундай масалаларни хал қилишда тажрибаси етарли бўлмаса;
- Ноаниқ вазиятга тушиб қолса ва у йўл – йўриқ кўрсатилишига эхтиёж сезса.

2.8. МКТ ходими бир нарсани ёдда тутиши лозим – таваккал қилиб. Нотўғри қарор қабул қилгандан кўра. Сўраб билиб олгани маъқул.

### **3.МКТнинг миссияси ва қадриятлари**

3.1.МКТ миссияси - МКТ бутун мамлакат бўлиб ўз ўрнини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ходимларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш,

кўрсатилаётган хизматлар сифати, автоматлаштирилиши ва технологиялаш даражасини ошириш, гендер тенглигига эришиш учун шароитлар яратиш, хар бир мижоз билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли хамкорликка йўналтирилган ишонч асосидаги муносабатларни шакллантириш орқали ўз мақсадларига эришади.

3.2.Корпоратив қадриятлар – тўғри вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш асослари;

### **Мижозларга мослашиш:**

- Мижозлар – МКТнинг асосий қадрияти, биз мижозларга нисбатан самимий муносабатдамиз, хайриҳомиз ва уларни безор қилишдан йироқмиз.
- Мижозлар вақтини бехуда йўқотмаслиги керак, шу сабаб биз технологияларни ривожлнтирамиз, Мижозга янада яқинроқ бўлиш мақсадида хизмат кўрсатиш тармоқларини янада кенгайтирамиз.
- Мижоз хамиша ҳақ, Мижоз учун мухим бўлган хар қандай қадрият МКТ учун хам мухимдир.
- Мижознинг кўрсатилаётган хизмат сифатидан қониқиши хосил қилиш учун биз унинг талаб эхтиёжларини олдиндан кўра билиш ва уларни мижоз хохлаганиданда зиёдроқ бажаришга харакат қиласиз, бажариб бўлмайдиган ваъдалар бермаймиз.

### **Жамоада ишлиш:**

- Бизнинг ходимларимиз – бизнес самарадорлиги борасида ягона мақсадни кўзлаган етарли маълумот ва пухта билимга эга бўлган мутахассислардан иборат жамоа.
- Бизнинг ходимларимиз шахсий ва касбий ўсишни мақсад қилиб. Фаол турмуш тарзигни олиб боради.
- Ходимларимиз – малакали мутахассислар. МКТ улар салохиятини ўрганиб боради ва янада ривожлантириш чораларини кўради.
- Ходимларимиз ўз келажагига ишонч билан қарашади, МКТ уларни қадрлайди ва уларга ғамҳурлик кўрсатади.
- Бизнинг ходимларимиз хамкасларига хурмат билан муносабатда бўлади. Бир бирига ёрдам беришга интилади.

## **Ишонч масъулияти:**

- МКТ белгиланган қонунчиликка амал қиласи ва фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўради.
- МКТ хамкорлар билан ишлашда ўзаро хурмат, халоллик ва ошкораликка асосланади.
- МКТ ўз зиммасига олган мажбуриятларини сидқидилдан бажаради.
- МКТ таваккалчиликларга оқилона ёндашган холда, юқори фойдалилик кўрсаткичларга интилади.
- МКТ тадбиркорликни ривожлантиришга мамлакат худудларининг ижтимоий-иктисодий ўсишини кўзда тутган холда, фаол тарзда сармоя киритади.
- МКТ мамлакат молия тизими ning ривожланиши ва муваффақияти учун негиз бўлиб хисобланади.

## **4. Ташқи ўзаро муносабатлар.**

### **4.1. Мижозлар билан ўзаро муносабатлар:**

4.1.1. МКТ мижозларга ўзаро манфаатли ва хамкорликка асосланган сифатли хизматларни қонуний тарзда тақдим этишга интилади.

МКТнинг барча ходимлари мижозлар билан боғлиқ ва улар билан бевосита боғлиқ бўлмаган соҳаларда ишларни сифатли бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.1.2. МКТ ахолининг барча қатламлари, шунингдек, халқ хўжалигининг турли тармоқлари ўз мижозлари бўлишини хоҳлайди. МКТ хар бир мижознинг манфаатларини химоя қиласи, уларнинг сиёсий, диний, миллий ва бошқа қарашлари туфайли камситилишига йўл кўйилмайди.

4.1.3.Хар бир ходим мижозга берилган ваъдани бажаришага интилади, МКТ номига билдирилган мурожаат, танқидий фикр ва эътиrozлар диққат билан кўриб чиқади ва ўз муносабатини билдиради.

4.1.4.МКТ ходими ўз ишининг натижалари учун шахсий жавобгарликни зиммасига олади, хатоларни эътироф этади, сабоқлар чиқаради, мижозларга тўғри ва зарур маслаҳатлар беради ва уларни юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлардан хабардар қиласи.

4.1.5.МКТ ўз мижозларига тизимдаги ўзгаришлар, янгилик ва имкониятлар хақида ўз вқтида ва тўлиқ ахборот бериб боради, хизматнинг янги муқобил вариантларини тақдим этади. МКТ томонидан мижозга бериладиган ахборотнинг тўлиқлиги, хажми, таркибига жиддий эътибор қаратилиади.

4.1.6. Мижозлар билан ишлаш жу младан муддати ўтган қарздорлик билан ишлаш бўйича МКТ ходимлари ички меъёрий хужжатларда белгиланган қоидалар ва стандартлар бўйича ўқитилади.

4.1.7. Мижоз хақидаги маълумотлар билан ишлаётганда МКТ унинг талаб даражасида сақланишини таъминлайди. Ишлаб чиқариш зарурати доирасида ушбу маълумотлардан фойдаланиш масаласи тегишли ваколатлар ҳамда мамлакатнинг амалдаги қонунчилиги билан чекланади.

#### **4.2.Хамкорлар ва контрагентлар билан ўзаро муносабатлар.**

4.2.1. МКТ хамкорлар ва конрагентлар билан муносабатларни ҳалоллик, касбий маҳорат, виждонлилик, ўзаро ишонч ва хурмат каби тамойиллар асосида олиб боради.

4.2.2. МКТ зарур маълумотларни тўлиқ ва шаффоф ҳолда ошкор этишга интилади, Мижоз манфаатларининг устунлиги, мажбуриятларининг бузилмаслиги, суд мухокамаси чоғида музокарапарининг устувор туриши тамойилларига асосланади.

4.2.3. МКТ ходимлари хамкорлар ва контрагентлар учун ҳар қандай тавваккалчиликларни камайтириш учун барча саъй – харакатларни амалга оширади.

4.2.4. МКТ маҳфий ахборотнинг сақланишини таъминлайди ва бундай ахборотнинг хамкорлари ва контрагентлари томонидан ошкор этилмасликка ишонч билдиради.

#### **4.3.Акциядорлар билан ўзаро муносабатлар.**

4.3.1. Акцияларнинг (улушларнинг) микдори қанча бўлишидан қатъий назар, қонунчиликка мувофиқ ва корпаратив бошқарув тамойилларига асосан МКТ акциядорларнинг қонуний хужжатларни таъминланишини кафолатлайди.

4.3.2. МКТ тизимини бошқариш органлари фаолиятининг юқори даражада шаффоғлигини таъминлайди, қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг МКТ фаолияти хақидаги ахборотдан тўсиқларсиз фойдаланишига шароитлар яратиб беради.

4.3.3. МКТнинг барча харакатлари акциядорлар капиталининг кўпайтирилишига қаратилган. МКТ узоқ ва қисқа муддатли мақсадлар ўртасидаги мувозанатни сақлаган ҳолда барқарор ривожланишга ва режалаштирилган фойдалиликка интилади.

4.3.4. МКТ таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини қўллашда хушёрликни сақлайди, ўз операциялари ва самарадорлик бўйича ахборотларда очик ва ростгўйликка, актив хамда ресурслари билан муомала қилишда эҳтиёткорликкаа амал қиласди.

#### **4.4. Давлат идоралари билан ўзаро муносабатлар.**

4.4.1. МКТнинг хокимият, махаллий ўз-ўзини бошқариш, МКТни тартибга солиш ва МКТ назорати идоралари билан муносабатларни қонунчиликка амал қилиш, шаффофлик ва ҳамкорлик тамойилларига асосланган.

4.4.2. МКТ ходимлари хушмуомала ва профессионал бўлиши ва фақатгина МКТнинг расмий позициясини ифодалashi лозим, текширувлар ўтказилганда, ваколатли идоралар фаолиятига тўсқинлик қилмасликлари керак.

4.4.3. МКТ сиёсий партиялар ва бирлашмаларга нисбатан нейтраллик тамойилига риоя қиласди, ўз фаолиятини мижозлар ва акциядорлар манфаатлари йўлида олиб боради.

#### **4.5. Рақобатчилар билан ўзаро муносабатлар.**

4.5.1. МКТнинг рақобатчилари билан муносабатлари ҳалоллик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланади.

4.5.2. МКТ бошқа кредит ташкилотларига нисбатан ижобий муносабатда бўлади, улар фаолиятини асоссиз равишда танқид қилишдан ва уларнинг ишchanлик обрўсига заарар етказувчи харакатлардан ўзини тийиб туради.

4.5.3. МКТ эркин рақобатни қўллаб-қувватлайди, мамлакат иқитисодиёти ва фуқароларнинг фаровонлиги йўлида рақобатчилар билан сидқидилдан муносабатда бўлиш зарур, деб хисобланади.

4.5.4. МКТ рақобатчилар хақидаги ахборотни фақатгина қонунийлик ва этика шартларидан келиб чиқсан ҳолда йиғади ва ундан фойдаланилади.

4.5.5. Рақобатчилар билан тушумловчилик ва можаролар юзага келганда, музокаралар ва муаммони ўзаро манфаатли тарзда ҳал қилишни афзал билади.

## **5. Ички ўзаро муносабатлар.**

### **5.1. Тенг имкониятлар.**

5.1.1. Иш берувчи – МКТ барчага тенг имкониятларни тақдим этади, ходимларига нисбатан улар ишга қабул қилинаётганда, иш хақи тўланаётганда лавозим бўйича кўтарилаётганда, уларнинг ирқи, диний дунёқарashi, ёши, жинси, миллати, фуқаролиги, оилавий холатидан қатъий назар, камситилишига йўл қўйилмайди.

### **5.2. Иш мухити**

5.2.1. МКТ ходимларининг касбий ўсиши, ижтимоий фаровонлиги ортиши учун барча зарур шароитларни яратиб беради. Ўзининг узоқ муддатли, барқарор ривожланишининг асоси сифатида кадрларга оид салоҳиятни мустахкамлаш ва ривожлантиришни, биргалиқда самарали иш ташкил этишни кўзда тутади.

5.2.2. МКТда корпоратив маданиятъни такомиллаштириш харакати ходимларнинг жавобгарлиги ва мустақиллигини ошириш. Хар бир ходимда МКТ миссияси ва унинг олдида турган стратегик вазифалар, фирибгарликка қарши турувчи мухитни шакллантиришга дахлдорлик хиссини уйғотишга йўналтирилган.

5.2.3. МКТ бирон шахс томонидан бошқа шахсга зўравонлик ўтказилиши ёки зўравонлик билан таҳдид солинишига муросасиз бўлади. МКТ ходимлар қарорлар қабул қилишда ишончсизликка сабаб бўладиган, иш мухити ва сифатига путур етказадиган, касб маҳоратига зид бўлган ҳатти-харакатлардан ўзини тийиши лозим. Иш жойида ходимнинг самарали ишлашига халал берувчи, хавотирланишига сабаб бўлувчи салбий ва/ ёки низоли мухитни юзага келтирувчи жисмоний, оҳзаки ва салбий хулқ – атворлар ҳам шулар жумласидандир.

5.2.4. Мехнат вазифаларини амалга ошириш ва ёки меҳнат жамоаси ичидаги мухитга салбий таъсир кўрсатувчи можароли вазиятлар юзага келганда ёки юзага келтиришга таҳдид солаётганда, МКТ ходими бу хақда Ходимларни бошқариш бошкармаси, Ички назорат хизмати ёки Корпоратив этика комиссиясини хабардор қиласи.

### **5.3.Хавфсизлик:**

5.3.1. МКТ ходимларининг саломатлигини, Мехнати ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш бўйича зарур чоралар кўради.

5.3.2. МКТ ходими техника хавфсизлиги бўйича қўлланиладиган қоидаларга, жумладан, бино-иншоотларга кириш хавфсизлиги бўйсунишга, иш билан

боғлиқ барча жарохатлар ва хасталиклар хақида раҳбариятга зудлик билан хабар беришга, шунингдек, меҳнат сафарларида хавфсизлик йўриқномаларга амал қилишга мажбурдир.

5.3.3. МКТ иш хоналарида, хизмат автомобилларида, шунингдек, МКТ ишларини олиб боришда назорат қиласиган барча моддалар, жумладан, алкоголь ва гиёҳвандлик маҳсулотларини истеъмол қилишни, Шунингдек, дори-дармон воситаларидан нотўғри фойдаланишни таъкиқлайди. Чунки уларни истеъмол қилиш ходимнинг ўз вазифасин бажариш қобилиятини пасайтиради, айни чоғда бошқа одамларнинг хавфсизлигига таҳдид солади.

#### **5.4. Ходим шахсий маълумотларининг дахлсизлиги.**

5.4.1. МКТ ходимларининг хар қандай шаклдаги шахсий маълумотлари дахлсизлигини таъминлашга ва химоя қилишга интилади ҳамда бундай маълумотларни ғаразли мақсадда ва ноқонуний фойдаланиш, ўзгартириш, ошкор этиш ёки йўқ қилишдан сақланиши учун зарур чораларни кўради.

5.4.2. МКТ томонидан қайта ишланадиган шахсий маълумотлардан фойдаланиш хуқуки бундай ахборотдан фойдаланиш учун рухсат функционал вазифаларида белгилаб кўйилган ходимларгагина берилади.

#### **5.5. МКТ махфий ахборотларини химоя қилиши**

5.5.1. МКТ ходимлари махфий ахборотнинг аниқлилиги ва тегишли тарзда сақланишини таъминлайди. Бу қоида мижозларнинг хужжатлари ва иш хақи қайдномалари, самарадорликни баҳолаш, иш табеллари, харажатлар тўғрисидаги хисоботлар каби хужжатларга, шунингдек, МКТнинг бошқа хужжатларига таалуқли. Бундай ахборот қонунчиликка ва МКТнинг хужжатларини сақлаш бўйича ички меъёрий хужжатларга мувофиқ сақланиши лозим.

5.5.2. Суд даъвоси (“суд жараёни”) да муҳим далил бўлиб хисобланган хужжатлар суд жараёни бошлангандан сўнг ёки МКТ томонидан чақирув қоғози ёки масалага алоқадор бўлган сўровнома олинганидан сўнг сақланади. Бундай хужжатлар, агар МКТ ходимларида бундай далиллар бўлажак суд жараёнига алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақида асосли таҳминлар мавжуд бўлса, суд жараёни бошланишидан аввал хам сақланиши лозим.

5.5.3. МКТ ходимлари томонидан оммавий ахборот воситаларида МКТга зарар етказиши мумкин бўлган асоссиз баёнотлар берилишига йўл кўйилмайди. МКТ ҳақидаги ахборотнинг жамоатилик фойдаланадиган ресурслар- интернет тармоғи, шу жумладан, ижтимоий тармоқларга такдим

етиш ва жойлаштириш МКТнинг ахборот сиёсатида белгиланган қоидалар билан тартибга солинади.

## **5.6. МКТ ходимларининг бошқа фаолиятлари:**

5.6.1. МКТ ходими бошқа ишга таклиф этилган ва таклифга рози бўлган ҳолларда, зудлик билан бу ҳақда бевосита раҳбарини хабардор қилиши лозим.

5.6.2. МКТ ходимлари Раҳбарият розилиги олмай туриб, жамоатчилик ва тадбиркорлик фаолиятида иштирок этмаслиги керак.

5.6.3. Ходимлар қонун доирасида мамлакатимизда ташкил этилган ва фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар, ассоциациялар ва бирлашмалар аъзоси сифатида ўз фаолликларини намоён қилишлари мумкин. Бироқ, бундай фаоллик МКТнинг манфаатлари ва меҳнат мажбуриятларига зид тарзда амалга оширмаслиги керак.

## **5.7. Корпоратив усул:**

5.7.1. МКТ имиджи умумий мақсадлар ва вазифаларга эришишда мухим омил бўлиб хисобланади ва юқори даражада самарадорлик билан қўлланилиши лозим.

5.7.2. МКТ ходими мулоқот даражаси, тури ва усулидан қатъий назар, хушмуомала, хайриҳоҳ, ҳозиржавоб бўлиши лозим. Ходим мижозлар, иш бўйича ҳамкорлар ва бошқа шахслар томонидан қўпол муомалада бўлиш ҳолатларига сабр билан муносабат билдиради. Бунда ходим биронтасини хақорат қилиш ёки инсон шахсиятини камситиш хуқуқини йўқлигини инобатга олган ҳолда, ҳамкасби ва мижозига хушмуомалалик билан танқидий фикр билдиришга хақли.

5.7.3. МКТ ходим меҳнат интизомига сўзсиз амал қиласди. Юзага келган вазят интизом бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда, ходим бу ҳақда бевосита раҳбарини хабардор қиласди. Ходим бундай муносабатлар содир бўлмаслигига интилади.

5.7.4. МКТ ходими МКТ имижига мувофиқ келадиган ва МКТнинг ички хужжатларида белгилангандек кийиниши шарт. Унинг ташқи қўриниши тартибсиз, ёқимсиз ёки пала – партиш бўлмаслиги керак.

МКТ ходимининг кийинишда иш услубига риоя қилмаслиги меҳнат интизомининг бузилиши хисобланади.

## **6.Одоб – ахлоқ тамойиллари.**

### **6.1 Манфаатлар түқнашуви:**

- 6.1.1. Манфаатлар түқнашуви, бу – раҳбар ёки ходим шахсий манфаатлари ва вазифаларининг МКТга нисбатан түқнашувидир. МКТнинг манфаатлар түқнашувига оид сиёсати алоҳида ички меъёрий хужжат билан белгилаб берилади.
- 6.1.2. Ходимлар МКТга нисбатан харакатлар холислигига шахсий манфаати ёки бошқа шахсларниң таъсир қилишига йўл қўймасликлари керак.
- 6.1.3. МКТ бахс ва низоларни тартибга солишиди ўзининг бошқариш органлари ваколатларини аниқ чегаралаб қўяди. Бунда манфаатлари дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар низони тартибга солиши бўйича қарорни қабул қилишда иштирок этмасликлари лозим.
- 6.1.4. Манфаатлар түқнашуви юзага келиши мумкин бўлган холатлар МКТнинг ички назорат хизматига етказилиши лозим. Ичкиназорат хизмати манфаатлар түқнашуви хақиқатда мавжудлиги ва қандай чоралар кўриш зарурлигини аниқлайди.

### **6.2. Коррупцияга қарши курашиш:**

- 6.2.1. МКТ порахўрлик ва коррупциянинг хар қандай кўринишини инкор этади.
- 6.2.2. На ходимлар, на МКТ билан хамкорлик қилувчи учинчи шахслар бирор харакатни амалга ошириш ёки тезлаштириш учун МКТнинг мансабдор шахсларини асосланмаган муносабатлар олиб боришни таъқиқлайди.

### **6.3. Совғалар алмашиш ва вакиллик харажатлари:**

- 6.3.1 МКТ ходимларига мижозлар ёки учинчи шахслардан хар қандай кўринишдаги совғалар, таклифлар ёки хизматларни қабул қилиш таъқиқланади.
- 6.3.2 МКТ пул кўринишдаги совғаларни бериш ва қабул қилишни таъқиқлайди, бошқа кўринишдаги совғалар ва таклифларни қабул қилиш қатъий қоидалар билан тартибга солинади.
- 6.3.3 МКТ мижозлар ва контрагентлар билан хамкорлик муносабатлари ривожланишини маъқуллайди ва иш амалиётига мувофиқ келадиган корпоратив совғалар алмашишга, хизмат учрашувларини ташкил этишга рухсат этади. МКТ ходимлари мижозлар ёки хамкорлар билан ўзаро

муносабатларни ўрнатиш учун ўз ваколати доирасида вакиллик харажатларидан фойдаланишлари мумкин.

6.3.4. МКТ ходимлариға хар қандай учинчи шахслардан қуидагилар учун совғалар қабул қилишга рухсат берилмайды:

- МКТ фаолияти билан боғлиқ бўлган харакатлар ва харакатсизлик учун;
- Пул маблағлари кўринишида ёки пул эквивалентида;

#### **6.4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қураш;**

6.4.1 МКТ ноқонуний бизнес юритмайди, жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки фирибгарликлар хам шулар жумласидандир.

6.4.2 МКТдан ёки МКТ хизматларидан жиноий даромадларни легаллаштириш механизми сифатида фойдаланиш МКТ ишчанлик обрўсига зарар етказувчи холат, деб қабул қилинади ва жиддий санкциялар қўллашга мажбур бўлади. Бунда МКТ жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши халқаро хамкорликни тўлалигича қўллаб-қувватлайди ва бу соҳада энг қатъий чораларни кўради.

6.4.3 МКТ амалдаги қонунчилик билан таъқиқланган лойихаларни молиялаштирумайди ва МКТ низомда кўзда тутилмаган шубҳали лойихаларда иштирок этмайди.

6.4.4 МКТ қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида МКТни жиноий фаолиятга жалб этилишига, МКТ устав капиталига жиноий капиталининг кириб келишига, шунингдек, МКТни бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик учун энг қатъий чораларни кўради.

6.4.5 Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қураш тўғрисидаги қонунчиликка сўссиз амал қилишни таъминлаш бизнесни юритиш соҳасида хам. Ички назоратни амалга оширишда хам МКТнинг ажралмас қисми хисобланади.

6.4.6 МКТ ходими жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши қурашда фаоллик билан иштирок этади.

### **7. Ахборотдан фойдаланиш**

#### **7.1. Махфийлик:**

7.1.1 Ходимлар ўз хизмат вазифалари доирасида МКТга, хамкасларига, мижозлар ёки контрагентларга таалуқли бўлган ва ошкор этилмайдиган (махфий) ахбортлардан фойдаланиш хукуқига эга бўлиши мумкин. Шу боис

ходимлар ошкор этилмайдиган ахборот ишончли тарзда химояланиши учун бўлинмалар ўртасидаги ахборот чекловларига амал қилишга мажбурдирлар.

7.1.2 МКТ мижозлар хақидаги барча ахборотларни қатъий тарзда маҳфий, деб билади.

7.1.3 МКТ ходимлари мижознинг маҳфий ахборотини учинчи шахсларга ошкор этмаслиги керак. Мижознинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки қонун билан белгиланган тартибда ўрнатилган ҳолатлар бундан мустасно.

7.1.4 МКТ ходимлари ўртасида мижознинг маҳфий ахбороти алмашинуви фақатгина бунга зарурат юзага келганда ва қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга оширилади.

7.1.5 Бошқа ишга ўтаётган ходимлар МКТнинг маҳфий – ошкор этилмайдиган ахборотни сақлаши лозим.

## **7.2.Ахборотни ошкор қилиш:**

7.2.1 МКТ ўз фаолияти хақидаги ахборотнинг ошкор этилишни Ўзбекистон Республикаси қонунчиликка мувофиқ ишончлилик, мунтазамлилик, уни тақдим этишнинг тезкорлиги ўртасидаги мувозанат, манфаатлар ва ахборот маҳфийлигига амал қилиш каби тамойиллар асосида таъминлайди.

7.2.2 МКТ ходимлари хизмат ахбороти сақланишини таъминлайдилар.

7.2.3 Мижозлар, Хамкорлар. Контрагентлар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар хажми Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур кодекс ва МКТнинг ахборот сиёсатига мувофиқ белгиланади.

7.2.4 МКТ ходимларинг таркиби, ички тузилмаси, операцион тартиб-томиллар, пул оқимлари хақидаги хизмат ахбороти умумфойдаланиши мумкин бўлган ахборотдан ташқари, маҳфий характерга эга, МКТ ходими маҳфий ахборотни ошкор этмаслик хақидаги мажбуриятни ёзма равишда ўз зиммасига олади.

## **7.3. МКТ фаолиятининг барча иштирокчиларини химоя қилиш:**

7.3.1 МКТ ходимлари, мижозлари, хамкорлари ва фаолиятининг бошқа иштирокчиларини ишончли тарзда химоя қилишга қаратиласган хавфсизлик тизимини яратиш учун барча чораларни қўради.

7.3.2 МКТ иштирокчиларинг, шу жумладан, мижозлар, хамкорлар, МКТ ходимлари хуқуқларини химоя қилиш учун барча саъй харакатларни амалга оширади.

7.3.3 МКТ ходимлари МКТнинг ишchanлик обрўси, бошқа моддий ва номоддий манфаатларига унинг ўшъба ва бошқа тузилмаларига.

мижозларига, хамкорлари ва фаолиятининг бошқа иштирокчиларига заар етказиши мумкин бўлган хар қандай фаолиятни инкор этади.

#### **7.4.Ҳисобот хужжатларининг ишончлилиги**

7.4.1 МКТ ва унинг барча тузилмавий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот хужжатларида акс эттириладиган маълумотларнинг тўлиқлилиги, аниқлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

7.4.2 МКТ ўтказилаётган барча операцияларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот хужжатлари талабларига қатъий мувофиқликда акс эттириди. Шу жумладан, қалбаки бирламчи бухгалтерия ҳисоби хужжатларининг расмийлаштирилишига, нотўғри бухгалтерия амалиётлари бажарилишига йўл қўймайди.

7.4.3 Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот хужжатларини юритиш тамойиллари бузилган, шу жумладан, пул маблағлари камомади, МКТнинг ҳисобга олинмаган мулки тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган МКТ ходими зудлик билан бу хақда барча имкони бўлган алоқа тизими орқали МКТ раҳбари ва ички назорат хизматига хабар бериши шарт.

### **8.Кодексга риоя этилишни назорат қилиш тизими**

**8.1.** МКТ ва унинг ходимлари томонидан мазкур кодексда кўзда тутилган қоидалар ва тартиб-таомилларга риоя этишни назорат қилиш тизимини яратиш МКТ Бошқаруви ва Кенгаши зиммасига юклатилади.

8.2.Акциядорлар, кредиторлар, мижозлар, хамкорлар, контагнтлар ва бошқа иштирокчиларнинг манфаатларини химоя килган холда, МКТ ўз фаолиятини Корпоратив этика Кодекси қоидаларига мос келишини доимий равишда мониторинг қилиб боради.

8.3 Мазкур кодекс шартларини бузган шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилиши мумкин. Мазкур Кодекс мазмуни ва бошқа қоидалари ходимларга етказишига совуқёнлик билан қараш хам қоида бузилишига киради.

8.4. Кодекс қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш асосларини белгилаш ва жавобгарлик чораларини қўриш бўйича таклиф киритиш Корпоратив этика комиссияси томонидан амалга оширилади. Коммиссия таркиби, жавобгарлиги ва ваколатлари МКТ бошқарувининг буйруғи билан тасдиқланади.

8.5. МКТнинг мансабдор шахслари уларга ишониб топширилган масъулият доирасида Кодекс нормаларининг қўлланилиши ва мувофиқлигигиа

масъулдирлар. Рахбарлик лавозимларини эгаллаб турган ходимлар, жумладан, Бошқарув аъзолари, Кодексга амал қилишда бошқаларга ўрнак бўлиши керак.

## **9. Якуний қоидалар**

- 9.1.** Мазкур кодекс МКТнинг ички меъёрий хужжати бўлиб хисобланади ва барча тоифадаги ходимлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.
- 9.2. Ушбу Кодекс МКТ Кенгаши томонидан тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради. Кодексда ўзгаришлар ва қўшимчалар МКТ Кенгашининг қарори асосида киритилади.
- 9.3 Кодекс талабларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлик учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ маъмурий характердаги чоралар қўлланилади.
- 9.4. МКТ Мазкур Кодексни такомиллаштириб боради ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, МКТ Низоми, шунингдек. Халқаро корпоратив амалиёт томонидан шакллантириладиган корпоратив этика стандартлари ўзгарган тақдирда, уни қайта кўриб чиқади.